



Аллома Абдуррауф Муновий (хижрий 1003 йили вафот этган) шундай ёзади:
«Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)нинг бехисоб хусусиятларидан яна бири шуки,
Аллох таоло Куръони Каримда у Зотнинг баъзи бир муборак аъзоларини
алохида-алохида зикр килгандир:

Муборак юзлари хакида: «**Код наро таколлаба важхика**» – «...юзингнинг осмонга
тез-тез бурилганини кўрурмиз» (Бакара, 144) оятини нозил килган.

Муборак кўзлари хакида: «**Вала тамудданна айнайка**» – «...нарсаларга кўзларингни
тикма!» (Хижр, 88, Тоха, 131)

Муборак тиллари хакида «**Файннама яссарнаху би лисаника**» – «У(Куръон)ни
тилингга осон килдик» (Марям, 97)

Муборак кўл ва гарданлари хакида: «**Вала тажъал ядака маглулатан ила унукика**» –
«Кўлларингни бўйнингга боглаб олма» (Исро, 29) оятини нозил килган.

Муборак кўкрак ва елкалари хакида: «**Алам нашрох лака содрок, ва ваъзона анка
визрок, аллази анкосо зохран**» – «Сен учун

кўксингни кенг килиб кўймадикми? Ва елкангдан босиб турган юкингни
енгиллатмадикми?...» (Шарх, 1-3) оятларини нозил килган.

Муборак калблари хакида: «**Назала бихир рухул амин ала колбика**» – «Уни сенинг

калбингга Рухул-амин олиб тушди» (Шуаро, 193,194) оятларини нозил килган».